

**Қ А Р О Р**  
(маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида)

2026 йил 7 апрель куни, жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман суди, ўз биносидан, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси Б.Н.Абдуназаров, судья ёрдамчиси Ф.Фазиловнинг котиблигида, фуқаро Ф.Рахимов ва Тошлоқ туман ИИБ ХПБ профилактика инспектори М.Ахунджоновнинг иштирокида, Тошлоқ туман ИИБ бошлиғининг Рахимов Фарходжон Ахмадалиевичга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқилиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

Рахимов Фарходжон Ахмадалиевич 26.01.1981 йилда Фарғона вилояти Тошлоқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муқаддам жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг 09.06.2016 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 159-моддаси 3-қисмининг “б” банди, 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 244<sup>2</sup>-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилиб, ЖК 59-моддаси тартибида 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони 05.12.2023 йилда тўлиқ ўтаган, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, вақтинча ишламайди, Тошлоқ тумани, Фурқат маҳалла фуқаролар йиғини, Шаббода кўчаси, 15-уйда яшайди.

Ф.Рахимов озодликдан маҳрум қилиш жойидан озод қилинганидан сўнг яшаш жойи бўйича Тошлоқ туман ИИБ томонидан муқаддам судланган шахс сифатида профилактик ҳисобга олинган.

Тошлоқ туман ИИБ бошлиғининг 2026 йил 7 апрелдаги тақдимномасида жазони ижро этиш муассасидан озодликка чиққан Ф.Рахимов 2026 йил 4 апрель куни Ўзбекистон Республикаси МЖТК 123-моддаси ҳамда 7 апрель куни МЖТК 113-моддасининг 4-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун маъмурий жазога тортилгани, унинг муқаддам ўта оғир жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганини инобатга олиб, қайта жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш сўралган.

Ф.Рахимов судда, ҳақиқатдан ўта оғир жиноят содир этгани учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этилиб, жазони ўтаб чиққанидан сўнг бир йил давомида икки марта маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганини, қилмишидан пушаймонлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга нисбатан—судланганлик ҳолатининг тугатилиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши муддатлари доирасида



ички ишлар органининг бошлиғи томонидан ушбу шахслар жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганидан кейин бир йил ичида икки ёки ундан кўпроқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этилганидан далолат берувчи материаллар асосида маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги асослантилган тақдимнома юборилиши;

6-моддасида, ушбу Қонун 8-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда оғир ёки ўта ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга нисбатан суд томонидан маъмурий назорат ўрнатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, тақдимномада келтирилган ҳолатларни ва йиғма жилд материалларини кўриб чиқиб, тақдимнома юзасидан профилактика инспектори ва судланган Ф.Рахимовнинг фикрини тинглаб, уни муқаддам ўта оғир жиноят учун судланганлигини, бир йил ичида икки мартаба маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлигини инобатга олиб, уни озодликка чиққандан сўнг ҳам яна жиноят содир этишга мойиллиги борлигини, унинг хулқини, жамоат жойларида ва оиласидаги юриш-туришини назоратга олиб, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, унга яқка тартибда профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида унга нисбатан маълум чекловлар қўйиб маъмурий назорат ўрнатишни, Тошлоқ туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, суд 2019 йил 2 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг "Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида"ги Қонунининг 8, 9-моддаларини қўллаб,

#### қ а р о р   қ и л а д и :

Тошлоқ туман ИИБ бошлиғи томонидан киритилган тақдимнома қаноатлантирилсин.

Рахимов Фарходжон Ахмадалиевич 6 (олти) ой муддатга маъмурий назоратга олинсин ва унга нисбатан қуйидаги чекланишлар белгилансин:

1. Тошлоқ туман ИИБнинг рухсатисиз Фарғона вилоят ҳудудидан ташқарига чиқиб кетиш тақиқлансин;

2. Рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойнинг 15 санасида Тошлоқ туман ИИБга келиб учрашиш юклатилсин.

Қарор ижросини таъминлаш Тошлоқ туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Ф.Рахимовга "Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисида"ги қонуннинг 10, 14-15 моддасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўзига белгиланган маъмурий чекловларни бузганлик ва зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлик, шу жумладан маъмурий назоратдан бўйин товлаш мақсадида яшаш жойини ўзбошимчалик билан тарк этганлик учун жавобгарлиги тушунтирилсин.



Қарордан норози тарафлар қарор нусхаси олинган кундан бошлаб, ўн кунлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят судига шикоят қилишга, прокурор эса протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

Б.Н.Абдуназаров

Ҳужжат имзоланган: Абдуназаров Бехзоджон Нематжонович, 08.04.2026

